

**Юлдашева Нилуфар Абдувахидовна,**  
Фарғона политехника институти “Менежмент”  
кафедраси асистенти, иқтисодиёт фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**УДК: 338.242.4**

## **ЮЛДАШЕВА Н.А. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ушбу мақолада инқирознинг олдини олишдаги муҳим омиллар, иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишига оид ёндашувлар, шунингдек, инқирозга қарши бошқарувда давлат сиёсатининг аҳамияти ёритиб берилган. Жаҳон миқёсида инқирозга қарши бошқарувни амалга ошириш йўналишлари ҳамда ушбу тажрибалардан фойдаланиш бўйича таклифлар келтирилган. Инқироз шароитида давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари, хусусан, Хитой, Германия, Франция, АҚШ каби ривожланган давлатларнинг тажрибаларини Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Таянч изборалар: инқироз, инқироз хавфи, инқирозга қарши бошқарув, инқирознинг олдини олиш, иқтисодий жараёнлар, инқирозга қарши давлат бошқаруви, стратегик режалаштириш, банкротлик институти, инвестициявий сиёсат.

## **ЮЛДАШЕВА Н.А. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В АНТИКРИЗИСНОМ УПРАВЛЕНИИ**

В данной статье освещаются важные факторы предотвращения кризисов в государственном управлении экономикой, а также подходы государственной политики к кризисному управлению. Представлены рекомендации по внедрению глобального антикризисного управления и использованию этого опыта. Были даны рекомендации по применению опыта развитых стран, таких как Китай, Германия, Франция, США в Узбекистане в области финансовой поддержки в период кризиса.

Ключевые слова: кризис, кризисный риск, антикризисное управление, предотвращение кризисов, экономические процессы, антикризисное государственное управление, стратегическое планирование, институт банкротства, инвестиционная политика.

## **YULDASHEVA N.A. MAIN DIRECTIONS OF GOVERNMENT REGULATION IN ANTI-CRISIS MANAGEMENT**

In the article is highlighted the important factors of crisis prevention, approaches to public administration of the economy, and the importance of public policy in crisis management. Recommendations on the implementation of global crisis management and that experience implementation are presented. Recommendations were given on the basis of experience of developed countries, such as China, Germany, France, the USA to implement in Uzbekistan in the areas of financial support during the crisis.

Key words: crisis, crisis risk, crisis management, crisis prevention, economic processes, crisis management, strategic planning, bankruptcy institution, investment policy.

### **Кириш.**

Давлат стратегик режалаштириш, тартибга солиш ва дастурлаштириш орқали инқирозга қарши бошқарув тадбирларини амалга оширади. Инқирозга қарши бошқарув бўйича чоратадбирлар мамлакатнинг барқарор ривожланиши, белгиланган параметрлар бўйича ўсишига қаратилади.

Стратегик режалаштириш – бу давлат томонидан узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ишлаб чиқилишидир.

Инқирозга қарши давлат бошқаруви бу хукуматнинг бутун иқтисодиётдаги инқирозни бартараф этиш, хусусан, корхоналарни инқирозли ҳолатлардан ҳимоя қилиш ва банкротлик жараёнларини тартибга солишга қаратилган сиёсати ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари" бўлимининг "3.1. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш" бандида [1] қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Жаҳонда инқирозга қарши бошқарув соҳасида корхонанинг ҳаётйициклини давомида инқирознинг юзага келишига доир методологик ёндашувлар, корхоналар молиявий барқарорлигини ташки ва ички муҳит омилларини эътиборга олган ҳолда тикилаш, лойиҳавий технологияларни амалга ошириш, инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизmlарини ривожлантириш, инқирозга юз тутиш хавфини камайтириш, инқирозни прогнозлаштириш, инқирозга қарши бошқарувда маркетинг стратегияларини қўллашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Инқирознинг юзага келиш сабаблари, корхоналардаги инқирозларни бошқариш, молиявий инқироз муаммолари хорижий олимлардан Т.Синха ва Ч.Кастоларнинг тадқиқотларида, ташхислаш ва инқирозга қарши бошқарувни прогнозлаштиришнинг методик жиҳатлари Э.Альтман, У.Бивер ва бошқаларнинг ишларида ёритилган [4].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари ва бошқа кўплаб мутахассислар-

нинг асарларида бу масаланинг турли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хусусан, Е.П.Жарковская корхоналарда инқирознинг юзага келиш сабаблари, инқирозга қарши бошқарув тамойиллари масалаларини ёритган. Н.В.Бакша инқирозга қарши бошқарувнинг назарий асослари ва инқирозга қарши бошқарувда ташхислаш масалаларига алоҳида тўхталган. Е.А.Файншмидт инқирозга қарши бошқарувда хорижий тажрибани атрофлича ўрганган. А.А.Беляев ва Э.М.Коротковлар инқирозга қарши бошқарув механизми масалаларини тадқиқ этган. О.Ю.Патласов ўз ишларида тижорат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталган [5].

Ўзбекистонда иқтисодий начорликни бартараф этиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инқирозни бартараф этиш масалалари юртимизнинг иқтисодчи олимларидан М.К.Азимов, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Фауров, Д.Н.Рахимова, Н.К.Йўлдошев, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Жумаев ва бошқа олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган [6].

Банкротликнинг амал қилиш механизми, банкротлик ва санациянинг назарий асослари, саноат корхоналарида рискларни бошқариш ва корхоналарда инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари А.Қ.Абдуллаев, Н.С.Хасанов, М.С.Ашурев, Ж.Х.Камбаровлар томонидан тадқиқ этилган [7].

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида инқирозга қарши бошқарув бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуслардан самарали фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Инқироз ҳолатларида давлат томонидан тартибга солиш бир қанча тадбирларни ўз ичига олади. Давлатнинг тўловга қобилиятсиз корхоналарга таъсир кўрсатиш доираси инқироз вазиятларини олдини олишга қаратилган бошқарув механизмидир.

Айрим манбаларда давлат инқироз ҳолатларини бошқариш мақсадида икки йўналишда фаолият юритади, дея кўрсатиб ўтилган: молиявий сиёсат ва кредит пул сиёсати [3].

Хуқуқий тартибга солиш инқирозга қарши қонунчиликни яратиш, қонун ҳужжатларини қабул қилиш кабиларни күзда тутади. Молиявий тартибга солиш давлат бюджетини ташкил этиш, кредит ва ссудалар бериш, солиқни тартибга солиш, тарифлар ва баҳолашни белгилаш тадбирларидан иборат. Инвестициявий сиёсат экспортни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий инвестиция оқимини таъминлашдир. Бу борада инвестициявий иқлим, инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши ва ҳимоя қилинishi сингари омилларнинг аҳамияти катта.

Иқтисодий тартибга солиш усуllibарига солиқлар ва даромадни қайта тақсимлаш, кредит-молия механизми, хусусийлаштириш ва қайта таркиблаш киради. Маъмурий усуllibар қонунчиликни мустаҳкамлаш, зарурий норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва таҳрирлаш, унинг бажарилишини назорат қилиш кабиларни ўз ичига олади. Илмий-техник сиёсат фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб бериш, молиялаштириш орқали қўллаб-қувватлаш, халқаро илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш каби тадбирлар орқали амалга оширилади. Ижтимоий сиёсат инқироз шароитида аҳолини қўллаб-қувватлаш ва ишсизликни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш билан белгиланади.

Корхоналарнинг молиявий инқирози жамиятнинг хўжалик тизимида жиддий хавф туғдиради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори қарздорлиги ҳамда ўз вақтида қилинмаган ҳисобкитоблар давлат бюджетида маблағлар этиш-мовчилигига олиб келади. Шу тарзда занжирили боғланиш ҳосил бўлади. Шу боисдан давлат томонидан самарасиз хусусий мулкни тугатиш орқали инқирозларнинг олди олинади.

Инқирозга қарши давлат бошқаруви жараёнлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг корхоналарда инқироз ҳамда банкротлик ҳолатларини олдини олишга қаратилган фаолиятини ўз ичига олади.

Ушбу хатти-ҳаракатлар корхона ҳаётий фаолиятининг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, пул-кредит сиёсати, фискал сиёсат каби тадбирлар энг кенг тарқалган тадбирлардир. Инқироз ҳолатидаги корхоналарни даволай олиш имкони бўлса, давлат уларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради, акс ҳолда, банкротлик ҳолати назоратга олинади.

Фискал сиёсат давлат бюджети ва солиқлар ёрдамида тартибга солишга асосланади. Яъни,

корхона учун маълум миқдорда бюджетга қарамлик даражасини ўрнатиш кўзда тутилади. Масалан, Хитой давлати ўз тажрибасида инқироздан чиқиш бўйича тизимли тадбирларни амалга оширган. Хусусан, мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилган, корхоналарга тўғридан-тўғри молиявий кўмак берилган. 2009 йилда давлат бюджети томонидан 5,1 миллиард юан миқдоридаги мақсадли жамғарма тузилган, ушбу жамғарма орқали кичик ва ўрта корхоналарга давлат кафиллиги остида кредитлар берилган. Ҳукумат самарали ишлайдиган корхоналарга қимматли қоғозлар, облигациялар чиқаришга кўмаклашган. Шу билан бирга бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, самарали бошқарувни қўллаш бўйича консультация курслари ташкил этилган. Ўтказилган тадбирлар натижасида Хитойда кичик ва ўрта корхоналар инқироздан чиқишга эришганлар [10].

Саноат корхоналарини молиявий соғломлаштиришга қаратилган давлат дастурлари инқироз ҳолатидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларини янгилаш бўйича инвестициявий қўйилмаларни ажратилишини тақозо этади. Давлат томонидан тартибга солиш жараёнда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги таъминланади. Ҳозирги кунда инновацион ва интеграцион ҳамкорлик, саноат тармоқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тармоқларда кластерларни жорий этиш орқали инқирозга қарши бошқарув амалга ошириб келинмоқда.

Ҳар бир давлат инқирозга қарши курашишда ўзига хос йўлни тутади. Баъзи давлатлар барча ҳудудларни бирданига ривожлантиришга интилса, бошқалари иқтисодий қолоқ ҳудудларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратади. Бу борада россиялик олим А.С.Сидоренко субсидиарлик принципига амал қилишни, яъни бошқарув ҳамда ресурсларни тасарруф этиш функциясини энг қуий ҳудудий бошқарув бўғинига бериш лозим, дея таъкидлаган [8].

Буюк Британия тарихида ижтимоий-иқтисодий бекарорлик кўмир қазувчи, пўлат ва тўқимачилик саноатига салбий таъсир кўрсатган. Инқирозни бартараф этиш мақсадида Марказий Шотландияда молиявий хизматлар кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини оширишни таъминловчи, кафолатлар бериш, заём чиқариш, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, ишчиларни моддий қўллаб-қувватлаш каби чоралар қўлланган [8].

Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти кескин суръатларда ривожланиб бормоқда. Шунингдек, 60% меҳнат ресурслари саноат соҳаларига мўлжалланган. Тўқимачилик саноати Хитой миллий иқтисодиётини тезкор ривожлантирувчи йўналиш ҳисобланади. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш нафақат ялпи ички маҳсулот таркибида муҳим ўрин тутади, балки валюта тушумини келтирувчи экспорт йўналиши ҳамдир [9]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хитойда тўқимачилик соҳасидаги рақобатбардош ривожланиш миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминловчи омил бўлиб келмоқда. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга эса инновацион жараёнларни татбиқ этиш орқали эришилган. Бинобарин, Хитойда инновацион фаолият доирасида катта ютуқларга эришиб келмоқда, кичик ва ўрта корхоналар янги авлод русумидаги 82% маҳсулотни ишлаб чиқаради. Кичик ва ўрта корхоналар мамлакатнинг 74% дан ортиқ инновацион технологиясидан фойдаланишади [10].

Хитойда жаҳон молиявий иқтисодий инқироз даврида жуда кўп корхоналар зарар кўрди. Давлат томонидан ушбу салбий таъсирни юмшатиш ва кичик ва ўрта корхоналарга кўмак кўрсатиш мақсадида мақсадли фонд ташкил этилган. Хусусан, 330 нафар кафолатланган органлар тузилган. Қимматли қоғозлар, облигациялар чиқарилган. Бошқарув бўйича консультатив курслар ташкил этилган. Ушбу чора-тадбирлар ижобий натижаларга олиб келган ҳамда инқироздан олдинги барқарор ҳолатга эришган.

Ривожланган давлатларда, хусусан АҚШда менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. АҚШ олий таълим олимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тизими шундай йўлга қўйилганки, меҳнат ҳақининг ярми университетдан, ярми у доимий консультация хизматларини кўрсатадиган фирма ёки корхонадан тўланади [11].

Шу тарзда илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишига эришилади. Шунингдек, менежерлар 5 йилда камида бир марта олти ойлик маҳсус курсларда қайта тайёрланади. Уларга замонавий менежмент, инқироз сабабларини ўрганиш, инновация ва ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича зарурый маълумотлар берилади.

Европа Иттилоқи таркибига киравчи давлатлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида кластерли ёндошувдан фойдаланишади. Кластерлар турли соҳалардаги корхоналарни, хусусан, тўқимачилик тармоғидаги корхоналарни ҳам бирлаштиради [12].

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, кластерларни жорий этиш натижасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида сезиларли ўсиш даражасига эришилган. Франция ва Хитой давлатлардаги тўқимачилик кластерлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Фикримизча, хорижий илғор тажрибанинг мазкур жиҳатини мамлакатимизда кенг татбиқ этиш тўқимачилик тармоғининг жадал ривожланишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, инқирозга қарши бошқарувда айниқса, уни олдини олиш чоралари, янги инструментларини (муаммоли менежмент, моделлаштириш, инқирозга қарши стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий коммуникацион сиёсат ва бошқалар) жорий этишга катта эътибор берилади.

Ҳозирда бир қанча хорижий давлатларда инқирозга қарши бошқарувнинг ўзига хос йўналишлари ишлаб чиқилган:

- саноати ривожланган капиталистик давлатларда инқирозга қарши бошқарув борасида бозор иқтисодиётининг асосий принциплари қўлланилади, шунингдек, банкротликка нисбатан салбий ҳолат деб эмас, балки мамлакат иқтисодиётини соғломлаштирувчи жараён деб қаралади;

- кўплаб ривожланган давлатларда давлат сектори улушининг кам даражада эканлиги хусусий секторнинг жадал ривожланишини таъминлайди ва масъулият даражасининг ошишига олиб келади. Буюк Британия, ГФР, АҚШда давлат сектори улуши 12-13%ни, Италия ва Францияда 20-24%ни ташкил этади;

- инқирозга қарши бошқарув жараёнларининг давлат томонидан фаол тарзда тартибга солиниши экстремал инқироз ҳолатларида амалга оширилиб, корхоналар молиявий начорлигини бартараф этилишини ҳамда соғломлаштирилишини таъминлайди.

Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канада, Голландия, Швеция каби турли хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, начорлик институтининг асосий элементларидан бири банд

кротлик масалалари бўйича аниқ кўрсатмаларга эга бўлган маҳсус давлат муассасаларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг қонунчилик хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, ҳукуматга бу борада тавсиялар бериши мумкинлиги билан изоҳланади [13].

Инқирозга қарши сиёсатда ҳудудий жиҳатларга эътибор қаратиш яхши тажриба ҳисобланади.

**Масалан:**

Буюк Британиядаги инқирозга қарши бошқарув бўйича асосий тадбирлар:

- бевосита инвестициявий қўйилмалар ишлаб чиқаришга ва ижтимоий инфраструктурага ажратилади;
- депрессив ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича молиявий чоралар (капитал қўйилмаларга кафолат, солиқ имтиёзлари, бандлик бўйича ҳудудий мукофотлар) қўллаш кенг амалга оширилади.

**Германиядаги:**

- зарурый тармоқлардаги янги фирмаларни қўллаб-қувватлаш;
- қайта таркиблаш ўтказиш бўйича ягона схемани қўллаш ва барча ерларнинг бир хилда ривожланишини таъминлаш;
- айрим тармоқларга (металлургия комплекси ва хусусий инновацион капитал)га давлат инвестициясини киритиш муҳим аҳамиятга эга.

**Италиядаги:**

- структуравий кучсиз ҳудудларда салбий омилларнинг таъсирини камайтириш ва ҳудудларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этишини таъминлаш;
- ижобий бизнес муҳитини яратиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;
- узоқ муддатли иш ўринларини яратиш, меҳнат бозорида шароитни барқарорлаштириш амалга оширилади.

**Франциядаги:**

- ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган тузилмаларнини, олий таълим муассасаларини ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, мониторинг қилиш;
- кичик корхоналарга қулай муҳит яратиш мақсадида грантлар ва консультациялар тақдим этиш кабиларга катта аҳамият берилади.

Инқироз ҳолатларини олдини олиш давлат сиёсатидаги муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан

профессионал менежерларни барча бошқарув бўғинларига, яъни, давлат, ҳудудий-регионал ва микродарражадаги бошқарув бўғинларига тайёрлаш лозим.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, 60-65% маҳсулотлар, товар ва хизматлар кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу масалада кичик корхоналар учун маҳсус менежерлар тайёрлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Фикримизча, ҳудудларда инқирозга қарши бошқарув механизмини жорий этиш мақсадида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, истиқболли дастурлар ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш, бажариш, ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича ҳар ойлик таҳлилни амалга ошириш лозим.

Жаҳондаги ривожланган хорижий давлатлар ҳам ўз тарихида инқироз даврини бошидан кечирган. Ўз навбатида инқироз даврида давлат сиёсатини амалга ошириш борасида бир қатор механизмлардан фойдаланилган (1-жадвал).

Молиявий тизимни барқарорлаштириш кўплаб давлатларда инқирозга қарши бошқарув механизмининг таркибий элементларидан бири саналади. Бунда ҳукумат томонидан «муаммоли активлар»ни сотиб олиш учун маблағлар сарфланган. Инқироз ҳолатларида Марказий банк томонидан тижорат банкларида давлат имтиёзли кредитлари ажратилган (АҚШ, Германия, Франция, Швеция, Япония ва бошқ.) [14].

Пул-кредит сиёсатида Шарқий Европа ва Япония давлатлари ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспортни ривожлантириш мақсадида миллий валюта курсини АҚШ доллари ва еврога нисбатан пасайтиришган.

АҚШ, Канада, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея давлатларида инқирозга қарши дастурлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу борада ишсизларга ёрдам пули ажратиш, янги иш ўринларини яратиш, паст малакали ишчиларни касбий қайта тайёрлаш ишлари амалга оширилган [14].

Юридик шахсларни, айниқса, кичик бизнес субъектларини солиқ тўловларини тўлашдан озод этиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой давлатларида давлат дастурлари даражасига чиқсан.

Молиявий бозорларни барқарорлаштириш мақсадида бюджет сиёсати доирасида Германиядаги маҳсус жамғарма ташкил этилган. 2009 йилда

## 1-жадвал. Хорижий давлатларда инқирозга қарши бошқарув фаолияти [14]

| № | Амалга оширилган табиерлар:                                                           | Давлатлар: |                  |          |          |        |                  |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------|------------|------------------|----------|----------|--------|------------------|
|   |                                                                                       | АҚШ        | Буюк<br>Британия | Германия | Норвегия | Япония | Жанубий<br>Корея |
| 1 | Молиявий секторни барқарорлаштириш (инвестициявий фондлар ташкил этиш)                | +          | +                | +        | +        | +      | +                |
| 2 | Пул-кредит сиёсати (миллий валюта курсини пасайтириш)                                 | +          | -                | -        | +        | +      | +                |
| 3 | Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш (иш ўринлари яратиш, давлат ҳисобидан суғурталаш)        | +          | +                | +        | +        | +      | +                |
| 4 | Солиқ сиёсати (солиқ юқини камайтириш)                                                | +          | +                | +        | +        | +      | +                |
| 5 | Бюджет сиёсати (махсус мақсадли жамғармалар ташкил этиш)                              | +          | +                | +        | -        | +      | +                |
| 6 | Реал секторни қўллаб-қувватлаш (маълум соҳага имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш) | +          | +                | +        | +        | +      | +                |

Канада, Франция, Япония, Хитой каби давлатларда инқирознинг салбий таъсирини камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва зарурий ҳолатларда фойдаланиш мақсадида махсус жамғармалар тузилган [14].

Германияда инқироз даврида анъанавий тармоқларда (металлургия ишлаб чиқаришда) давлат инвестициялаши амалга оширилган [8]. Ушбу табиерлар доирасида молиявий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш, санация қилиш, маҳсулот экспорт қиласиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби усуллар қўлланилган.

Инқирозга қарши бошқарув механизмида инвестициявий сиёсат муҳим омил саналади. Инвестициявий жараёнларнинг амалга оширилишида давлатнинг инвестициявий иқлими, инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши ва инвестицияни ҳимоя қилиш сингари омилларнинг аҳамияти катта. Ривожланган давлатларда махсуслаштирилган инвестициявий банклар фаолият юритади. Уларнинг асосий мақсади даромад олиш мақсадида катта лойиҳаларни инвестициялашга пул маблағларини жалб этишдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, махсус инвестициявий банклар тижорат банкларига нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Фикримизча, хорижий давлатларнинг ушбу тажрибаларидан фойдаланиб, мамлакатимизда ҳам давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва зарур ҳолларда молиялаш-

тириш мақсадида махсус жамғарма-фонд ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда ҳам инқирознинг олдини олишга қаратилган устувор вазифалар амалга оширилмоқда.

Ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида нуфузли ҳалқаро рейтинглар ва индексларда юртимизнинг позицияси юқорига кўтарилимоқда. Инвестиция иқлими ва ишбильармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича чора-табиерлар самарадорлигининг яна бир тасдиғи сифатида Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» (Doing Business) индекси бўйича бир неча поғона юқорилаб бораётганлигини кўриш мумкин (2-жадвал):

Жадвалдаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, 2015-2019 йиллар давомида кучли бешталикни Сингапур, Янги Зеландия, Дания, Корея ва Гонконг сингари давлатлар эгаллаб келмоқда. Ўрганилган давлатларнинг жами сони 190 тани ташкил этиб, 2015 йилда мамлакатимиз 141-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 76-ўринга кўтарилиб, яхши кўрсаткичга эга бўлиб келмоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарга кўмак бериш мақсадида тижорат банклари томонидан давлат имтиёзли кредитлари ажратиб берилган. Бундан ташқари, давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг самарали тизимини яратиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, молиявий нобарқарорлик сабабларини тезкор равишда аниқлаш ва барқарор

**2-жадвал. 2015-2019 йиллар давомида жаҳонда «Бизнес юритиш» (Doing Business) индекси бўйича Ўзбекистоннинг ўрни [15]**

| Мамлакатлар номи | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Сингапур         | 1       | 1       | 2       | 2       | 2       |
| Янги Зеландия    | 2       | 2       | 1       | 1       | 1       |
| Дания            | 4       | 3       | 3       | 3       | 3       |
| Корея            | 5       | 4       | 5       | 4       | 5       |
| Гонконг          | 3       | 5       | 4       | 5       | 4       |
| .....            |         |         |         |         |         |
| Ўзбекистон       | 141     | 87      | 87      | 74      | 76      |

ишилаши учун тегишли чора -тадбирларни қўллаш мақсадида давлат иштирокидаги корхоналар гуруҳларга бўлинган. Мазкур корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари» — дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича [2] бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат дастурлари бажарилиб келинмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, инқирозга қарши бошқарувни амалга оширишда давлат сиёсати зарурӣ инструмент ҳисобланади. Бу ҳар бир корхона ҳаётий циклининг турли босқичларида амалга оширилиши мумкин. Инқирознинг оғир ҳолатларида давлат томонидан тартибга солиш янада кучайтирилиши даркор. Бу қонунчилик, молиявий, инвестициявий сиёсат тарзида амалга оширилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1013-сонли қарори. - <https://lex.uz/docs/4106617>
3. Антикризисное управление организацией. Краткий конспект лекций. Федеральное государственное автономное учреждение высшего профессионального образования «Казанский (Приволжский) федеральный университет» Елабужский институт. – Казань: 2013 с.
4. Sinha, Tulika, «Crisis management in organizations: an exploratory study of factors that affect strategy formation and selection» (2011). Louisiana State University Doctoral Dissertations. 28 [https://digitalcommons.lsu.edu/gradschool\\_dissertations/2843/](https://digitalcommons.lsu.edu/gradschool_dissertations/2843/); Casto Charles A., «Crisis Management: A Qualitative Study of Extreme Event Leadership» (2014). Dissertations, Theses and Capstone Projects. Paper 626.; Altman, E. Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy / E. Altman. – Journal of Finance. – 22 (September 1968). – P. 589-609.; Beaver, W.H. Financial Ratios as Predictors of Failure / W.H. Beaver. – Empirical Research in Accounting, Selected Studies. – 1966, Supplement of Journal of Accounting Research – P. 71-127.;
5. Жарковская Е.П. Антикризисное управление: учебник – 4-е изд. - М.: Омега, 20–365 с.; Антикризисное управление: учебное пособие для студентов вузов / под ред. К.В. Балдина. – М.: Проспект, 20–312 с.; Бакша Н.В. Антикризисное управление. Учебное пособие. Тюмень. Изд-во Тюменского государственного университета, 20300с.; Файншmidt Е.А. Зарубежная практика антикризисного управления. Учебное пособие / Е.А. Файншmidt – М.: МЭСИ, 20–259 с Беляев А.А, Э.М.Коротков. Антикризисное управление.учебник. М.: ЮНИТИ, 2011, -311с.;

Патласов О.Ю, Сергиенко О.В. Антикризисное управление. Финансовое моделирование и диагностика банкротства коммерческой организации. – Москва: Книжный мир, 20– 512 с.;

6. Азимов М.К. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. – Т.: Шарқ, 20– 640 б.; Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 20– 120 б.; Рахимова Д.Н. ва бошқ. Инқизозга қарши бошқарув. – Т.: «Fan va texnologiya», -20100 б. Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академ нашр, – 2009.;

7. Абдуллаев А.Қ. Иқтисодий барқарорликни таъминлашда банкротликнинг амал қилиш механизми: дис.. иқт. фанлари номзоди. – Т.: ЎзМУ, 20– 128 б.; Хасанов Н.С. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банкротлик ва санациянинг назарий асослари: дис. .. иқт. фанлари номзоди. – Т.: ЎзМУ, 20– 137 б.; Ашурев М.С. Саноат корхоналарида иқтисодий рискларни бошқаришнинг ташкилий-услубий механизми (Фарғона вилоят саноат корхоналари мисолида) дис. .. иқт. фанлари номзоди. – Т.: ТДТУ, 20– 143 б.; Камбаров Ж.Х. Саноат корхоналарида инқизозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: дис. ...иқт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 20– 156 б.

8. Сидоренко А.С. Международный опыт антикризисного управления в проекции отечественной практики. Экономика и социум. №2 (45) 20www.iupr.ru.

9. Zhudzhun, D., M.M. Kovalev and V.V. Novik, 20The phenomenon of China's economic development. Minsk: IC BSU, pp: 6

10. Цзоу Сютин. Антикризисные меры Китая по развитию малых и средних предприятий. Регион: экономика и социология, 20№– 330-334 с.

11. Чернявский А.Д. Антикризисное управление: учеб.пособие. –К.: МАУП, 20– 144 с.

12. Бурденко Е.В. Опыт формирования региональных промышленных кластеров в легкой промышленности. Международный научно-исследовательский журнал. №11 (30) 20Часть – 13 с.

13. Нидлз Б. И другие. Принципы бухгалтерского учета. / Пер. с англ. Под ред. Соколовой Я.В. - М.: Финансы и статистика, 20– 3 с.

14. Международный опыт антикризисной политики / С.М. Дробышевский, Е.В. Синельникова, А.В. Сорокина, П.В. Трунин, Е.В. Худько. — М.: Издательство «Дело» РАНХ, 20— 28 с.

15. <http://russian.doingbusiness.org/ru/reports/global-reports/>